



бу.г. «5» сентябрь

№ 35-К

**“Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида
фуқаро Раджабова Гулнора Мамадиевнага сунъий қопламали футбол
майдони ва теннис уйингоҳи қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида.**

“Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Дехнав” маҳалласида яшовчи фуқаро Раджабова Гулнора Мамадиевна туман ҳокими номига “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони ҳудудидан сунъий қопламали футбол майдони ва теннис уйингоҳи қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, “Самфуқаролойиҳа” масъулияти чекланган жамиятини 2015 йил 15 декабрдаги 109 сонли хулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Дехнав” маҳалласида яшовчи фуқаро Раджабова Гулнора Мамадиевнага “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони бош режасидан сунъий қопламали футбол майдони ва теннис уйингоҳи қуриш учун 0,50 га кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Раджабова Гулнора Мамадиевнага сунъий қопламали футбол майдони ва теннис уйингоҳи қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.